

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

# **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**9.2021**

**научно-теоритический методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2021**

2. Нечай Ю.П. Семантико-синтаксические средства выражения эмоционально-экспрессивных значений частиц в немецком и русском языках (сопоставительный анализ). Дисс. ...докт. филол. наук, Краснодар, 1999, 465 с.

3. Ошанова Е.С. Роль модальных частиц в формировании когнитивной базы и коммуникативно-прагматической перспективы высказывания. Дисс. канд. филол. наук, М., 2017, 155 с.

4. Ружицкий И.В. Модальные частицы как один из способов реализации прагматического уровня языковой личности. Язык, сознание, коммуникация. Сб. статей. "Макс Пресс", 2001, №16, с. 13 – 19.

5. Ръжук Е.А. Коммуникативная категория смягчения в академическом дискурсе (на материале английского и немецкого языков). Красноярск, 2016, 91 с.

6. Торопова Н.А. Семантика и функции логических частиц (на материале немецкого языка). Саратов, 1980, 172 с.

7. Werner A. Die deutschen Partikeln und ihre Entsprechungen im Japanischen. 131 S. <https://dnb.info/958556156/34>. Access date: 26.04.2018.

8. Weydt H. Abtönungspartikel. Die deutschen Modalwörter und ihre französischen Entsprechungen. Berlin: Verlag Gehlen. 1969, 120 S.

9. Pressler M. Bitterschokolade (Roman). Deutschland, Beltz Verlag, 1980.

**Имамкулова Ситора (Бухоро Давлат университети)**

### **ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИНТЕНСИВЛИК КАТЕГОРИЯСИНИ ИФОДАЛАШДА ФОНЕТИК ВОСИТАЛАРНИНГ РОЛИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларида интенсивлик категориясининг фонетик сатҳда ифодаланиши масалалари ёритилган. Инглиз ва ўзбек тилларида фонетик усулда маъно кучайтириш унли ва ундош товушларни кучли талаффуз этиш, чўзиш, бўгинларга ажратиб талаффуз қилиш ҳамда интонациянинг бошқа компонентлари ёрдамида ифодаланиши мисоллар орқали кўрсатилган.

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы фонетического представления категории интенсивности в английском и узбекском языках. Фонетическое усиление в английском и узбекском языках иллюстрируется сильным произношением гласных и согласных, растяжением, артикуляцией и другими компонентами интонации.

**Annotation.** This article discusses the issues of phonetic representation of the category of intensity in English and Uzbek. In English and Uzbek, phonetic reinforcement is illustrated by the strong pronunciation of vowels and consonants, elongation, articulation, and other components of intonation.

**Калит сўзлар:** динамик урғу, логик урғу, интонация, пауза, аллитерация.

**Ключевые слова:** динамическое ударение, логическое ударение, интонация, пауза, аллитерация.

**Key words:** dynamic stress, logical stress, intonation, pause, alliteration.

Интенсивлик категорияси турли тил сатҳлари зидлашув тизимини акс эттиради. Бу жараён лексик-семантик парадигмада яққол намоён бўлади. Гап интенсификацияси лексик воситалари доирасига кўшимчалар, мазмунни интенсификациялашувчи сифатларнинг синонимик каторлари, кесимлар ёнидаги равишлар-кучайтирувчилар, квантор сўзлар ва кучайтирувчи фразеологизмлар қиради. Кенг маънода одатдаги микдор ўлчови меъёрий, оддий ўлчов деб англашилади. Мазмун интенсивлигига кўра, нейтрал, оддий бўлмаган мазмунни оддий микдор ўлчовига таққослашни тақозо этади.

Инглиз тилида фонетик усулда маъно кучайтириш унли ва ундош товушларни кучли талаффуз этиш, чўзиш, бўгинларга ажратиб талаффуз қилиш ҳамда интонациянинг бошқа компонентлари ёрдамида ифодаланади. Инглиз тилида унли товушларни чўзиб талаффуз қилиш орқали сўз маъносини кучайтириш энг кўп қўлланиладиган усул ҳисобланади.

Бир бўгинли сўзларда динамик (зарб) урғу билан маъно кучайтириш шу сўз таркибидаги унлини кучли талаффуз қилиш йўли билан амалга оширилади. Масалан, Come here! Be quick каби.

оошқа тил бирликларига қараганда фонетик воситаларда маъно интенсивлиги юқори бўлади.

Масалан, Yes-y-e-e-e-s – жуда тўғри, good-o-o-o-d – жуда яхши.

Инглиз тилида ундош товушларни иккилангириш орқали ҳам сўз маъносини кучайтириш мумкин. О.Ж.Дикушинанинг фикрича, ундош товушлар, одатда, бирор сўзнинг маъносини кучайтириш, таъкидлаш мақсадида иккилангириш талаффуз этилади.<sup>2</sup> Масалан, Marvelousss people are at the next table to the door (S.M.).

Сўз охирида ундош товушни иккилангириш орқали ҳайратланиш, таажжуб, ишончсизлик каби кўшимча маънолар ифодаланади. Худди шундай ҳолатни ўзбек тилида ҳам учратиш мумкин.

Масалан, Одамларrrr, одамларр! Эшитмадим дсмангларrrr. Аллитерация лотинча (al – олд, lettera – ҳарф). Мисралар, ундаги сўзлар бошида бир хил ундош товушларнинг такрор қўлланиши.<sup>3</sup> Ушбу гапда “р” ундош товушни иккилангириб чўзиб талаффуз қилиш мурожаат, нажот, ҳайқирик, чақирик каби кўшимча маънолар ифодаланганлигини кўриш мумкин.

Товуш такрорининг аллитерация кўриниши ҳар иккала тилда ҳам услубий аҳамиятга эга. Нафақат прозаик асарларда, балки поэзияда, яъни шеърятда мисралар бошида такрорланиб келган талаффузи ва ёзилиши бир хил ундошларнинг аллитерациясида оҳангдорлик, мусикийлик, хиссий бўёк, жозоба, қоникш, роҳатланиш, завкланиш каби кўшимча маънолар рўёбга чиқади. Шу орқали сўз маънолари кучайтирилади. Шоирлар ўз асарларининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида аллитерациядан фойдаланадилар.

Эдгар Алан Понинг қуйидаги шеърини мисраси “d” ундош товуши такрорига қурилган.

Deep into the darkness peering long I stood there wondering, fearing.

Doubting, dreaming, dreams no mortal ever dared to dream before...

Ўзбек шеърятда ҳам бундай ҳолатни кузатиш мумкин. Миртемирнинг “Ёз ёмғири” шеърида “с” ундош товуши такрорига асосланган мисраларда шоир шеър таъсирчанлигини ошириш мақсадида шундай усулдан фойдаланган.

*Сим-сим ёмғир, сирли соз мисол,*

*Пичирлайди она табиат.*

*Саҳийлиги ортгандай қат-қат,*

*Гуё дейди: ол, ол, олиб, қол...*

Товуш такрорига асосланган аллитерация орқали маъно кучайтириш масалалари кўплаб олимларнинг диққатини ўзига тортган, жумладан, М.И.Матусевичнинг фикрича, рус тилида унлини чўзиш кўпроқ ижобий хис-туйғулар, ундошларни иккилангириш эса салбий хис-туйғуларни ифодалайди: *Он такой до-о-о-обрый человек. Ч – ч-черт побири!*

Буйруқ-истак майлидаги гапларда унлини кучли талаффузи, уни чўзиш орқали маъно кучайтирилади ҳамда турли ҳодисаларни ифодалашда ишлатилади.

Унлини кучли талаффузи дўк-пўписа, буйруқни ифодалайди. Жумладан, инглиз тилида О [ou] унлисини турли хил талаффузида кўрқиш, довдираш, кучли ғазаб каби кўшимча маънолар ифодаланади. Масалан, Suddenly he cried: Sanyago-o-o!<sup>4</sup>

Худди шу товушни чўзиб талаффуз қилиш орқали дўк-пўписа, қаҳр-ғазаб, илтимос, ялиниш каби кўшимча маънолар ифодаланишини кўриш мумкин: Don't tell him - Do-o-on't tell him, please!

Ўзбек тилида эса “о” товушининг турли хил талаффуз қилиниши қувонч, роҳатланиш, ишончсизлик, эслаш каби кўшимча маънолар ифодаланади. Масалан, О-о-одамлар, ода-а-амлар!

Сўзнинг бошида келган “о” товуши талаффузига нисбатан, сўз охирида келган “а” унли товушида хис-ҳаяжон ниҳоятда кучли ифодаланган.

Инглиз тилида ундов сўзлар талаффузида фонетик усул билан маъно кучайтириш хис-туйғуга мос бўлади. Масалан: Oh, Ah, Pooh, Dear me! каби маъно кучайтириш нафақат сифат ва равиш сўз туркумига хос сўзларда, балки сон сўз туркумига хос сўзларда ҳам учрайди.<sup>5</sup> Масалан: Three students were absent at the lesson yesterday.

<sup>1</sup> Абдуллаев А. Маъно кучайтиришнинг фонетик усули. “Ўзбек тили ва адабиёти”, Т., 1969, 2, 55 – 58-бетлар.

<sup>2</sup> Dichushina O.J. English phonetics. M., “Просвещение”, 1965, 202 с.

<sup>3</sup> Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли лугати. Т., “Ўқитувчи”, 1985, 144-бет.

<sup>4</sup> Ҳайдаров А. Бадний тасвирнинг фоностилистик воситалари, Манография, 2021, 19-бет.

<sup>5</sup> Зияев А. Инглиз тилида сўз маъноларини кучайтиришнинг когнетив талқини. Фарғона, 2011, 19–22-бетлар.

Ургу тушган сўзни кучли талаффуз этиш йўли билан ҳам маъно кучайтирилади, аммо шуни ҳисобга олиш лозимки, нафақат ургу маънони кучайтиради, балки сўзнинг лексик маъносини ҳам фарқлайди. Масалан, I told you thousand times – Мен сенга неча минг марта айтганман.

Инглиз ва ўзбек тилларида тақлидий сўзларда унли ва ундош товушни чўзиш орқали ҳам сўз маънолари интенсивлиги рўй беради. Масалан, ding-doooong, too-tooо; шилдир-шинилдир, тақ-тааақ каби.

Шунингдек, маъно кучайтиришда оҳангнинг аҳамияти беқиёсдир. Интонация (оҳанг) орқали нутқ эмоционал экспрессивликка эга бўлади. Оҳанг нутқни жонли ва ифодали қилишга ёрдам беради. Интонация оғзаки нутқда овознинг кўтарилиши ёки пасайиши орқали, ёзма нутқда тиниш белгилари, курсив билан ёзиш орқали, поэзияда эса ҳар бир сўзни алоҳида қаторга ёзиш погоналаб (зинапоё) шаклда ёзиш билан ифодаланади.<sup>1</sup>

Интонациянинг бир компоненти бўлган пауза орқали ҳам маъно интенсивлиги ифодаланиши мумкин. Пауза ҳам оғзаки ва ёзма нутқда муҳим роль ўйнайди. Қайси сўзга диққат тортиладиган бўлса, ўша сўз пауза орқали ажратилади. Шунингдек, темп, ургу каби интонация компонентлари ҳам нутқни экспрессив ифода қилишида катта аҳамият касб этади. Агар сўзнинг охири баланд овоз билан талаффуз қилинса, у шубҳа, ишончсизлик ҳайратланиш каби ҳолатларни ифодалайди. Масалан, My sister is a **teacher**.

Сўзловчи нутқ жараёнида тингловчига мазмун эътибори билан муҳим саналган сўзни таъкидлаб, баланд овоз билан айтади ва шу билан тингловчининг даққатини ўзига жалб этади. Бунда бевосита логик ургудан фойдаланади. Ушбу ургу орқали гаптаги исталган сўзни таъкидлаш, бўрттириш имконияти мавжуд бўлади. Масалан: I met with my friend the day before yesterday. – Мен ўзимнинг дўстимни кечадан олдинги кун кўрган эдим.

Хулоса қилганда, инглиз тилида фонетик сатҳдаги интенсивлик сўздаги унли ва ундош товушларни чўзиш, кучли талаффуз қилиш, товуш такрори, сўз бўгинларининг такрори, товуш ўзгаришлари билан, шунингдек, фонетик воситалар: интонация, пауза ҳамда ургулар билан боғлиқ ҳолда маъно кучайтирилади.

**Ахмедов Анвар Ботирович (ҚарДУ Немис тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD))  
СЎЗ ЎЗЛАШТИРИШ – ТИЛЛАРАРО АЛОҚАЛАР ИФОДАСИ**

*Аннотация.* Сўнги даврда тилшунослар тиллараро алоқалар, улар билан боғлиқ ўзига хос жараён ва ҳодисаларни ўрганишга катта эътибор қаратмоқда. Мақола лексик ва фразеологик бирликларнинг бир тилдан бошқасига олиниши билан боғлиқ масалаларни ўрганишга бағишланади.

*Аннотация.* В последнее время повышенное внимание лингвистов направлено на межъязыковые отношения и связанные с ними специфические процессы и явления. Статья посвящена изучению вопросов заимствования лексических и фразеологических единиц.

*Annotation.* Today, modern linguists are paying a great deal of attention to the study of inter-language relations, the specific process and events depending on them. The article is dedicated to further study of the tasks in which the borrowing of lexical and phraseological units from one language to another one.

**Калит сўзлар:** тиллараро алоқалар, интернационал лексика, интернационал фразеология, интерлингвизм, ўзлаштирма сўз, параллелизм.

**Ключевые слова:** межъязыковые контакты, интернациональная лексика, интернациональная фразеология, интерлингвизм, заимствование, параллелизм.

**Key words:** inter-language relations, international lexis, international phraseology, inter-linguism, borrowed word, parallelism.

Муайян тил тарихида бошқа тиллар билан алоқа мазкур тил таракқиётининг ҳар бир тарихий босқичида беқиёс аҳамиятга эга бўлиб, тил лексик қатлами ва унинг фразеологияси бойишида муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Алоқалар фаол кечадиган бўлса, нафақат тилнинг луғат таркиби, шунингдек, сўз ясовчи аффикслари, балки унинг семантик қурилиши ҳам жиддий ўзгаришга

<sup>1</sup> Haydarov A., Navruzova N. Connotative meanings related to sound changes. International Journal for Innovative Engineering and Management Research. Vol.10. Issue 03. Feb. 2021. Impact 7.3, p. 340 – 347.

Касимова Замирахон Худайдиновна. Профессия билан шунинг ўзига хос усуллари, философия тилдан.....	38
Абдуллаева Ирода Ганижановна. Инновация феномени ва унинг эвристик асослари.....	40
Жаббарова Ҳабиба Кувандиковна. Гендер тенглиги муаммосининг методологик жиҳатлари.....	44
Турсунова Шаҳноза. Оммавий ахборот воситалари ва ахборот қарама-қаршилиги.....	48
Ходжаев Сардор Бахадирович. Эволюция научных интерпретаций инноваций.....	52

### **TILSHUNOSLIK**

Ermanov Davron Raxmataliyevich. Tillarni almashtirib ishlatishning nevrobiologik asoslari.....	55
Naydarov Anvar Askarovich, Saidova Zulfizar Xudoyberdiyevna. Ruhiy jarayonlar va shaxsiyat xususiyatlari konseptual zonasi frazeologizmlarining struktur grammatik tahlili.....	60
Бегматова Раъно Фахриддиновна. Тилшунослик илмида юмшатиш категорияси ва унда юкламаларнинг аҳамияти.....	62
Имамкулова Ситора. Инглиз ва ўзбек тилларида интенсивлик категориясини ифодалашда фонетик воситаларнинг роли.....	65
Ахмедов Анвар Ботирович. Сўз ўзлаштириш – тиллараро алоқалар ифодаси.....	67

### **ADABIYOTSHUNOSLIK**

Саидова Райҳон. Маломатийлик ва унинг шаклланиш тарихи.....	71
Жумакул Батиршина Колмирзаевна. “Уста ва Маргарита” романинг ўзига хос бадний хусусиятлари.....	74
Kurbanova Saida, Jumanazarova Maftuna. To'ra Sulaymon lirikasining mavzu doirasi.....	77
Ханматов Максатмират Нурматович. Махтумқули шеърларининг қорақалпоқча таржималарининг баъзи хусусиятлари.....	80
Турсымуратов Шукурулла Мадреймович. Перевод сказок а.с.пушкина на каракалпакский язык.....	82

### **JURNALISTIKA**

Усмонова Нигора Абдулхамидовна. Публицист ижодида шахс тушунчаси.....	86
---	----

### **PEDAGOGIKA**

Ismoilov Temurbek Islomovich. Олий таълим бошқарувида академик мустақиллик принципларини жорий этишнинг ташкилий-педагогик хусусиятлари.....	91
Olitova Dिल्фуза Zokirovna. Xorijiy tillar ta'limida talabalarda mustaqil o'rganish ko'nikmalarini shakllantirishning ahamiyati.....	93
Джалолов Фурқат Фаттоҳович. Мактаб таълимида паст ўзлаштириш сабаблари ва тўлиқ ўзлаштириш турлари.....	96
Маманазаров Баҳром Жумонович. Педагогик машғулотларда педагогик дастурий воситалардан фойдаланишнинг мақсад ва вазифалари, муаммолари ва ечимлари.....	98